

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOYIY GAZETASI

Ислом КАРИМОВ:

ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ҲАР БИР ИНСОНГА ДАХЛДОР БЎЛГАН ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТКИ, УНИ САҚЛАШ ШУ ЮРТДА ЯШАЙДИГАН ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ БЎЛМОҒИ КЕРАК.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг ЎЗА мухбири саволларига берган жавобларидан)

2001 YIL 18 OKTABR ♦ PAYSANBA ♦ № 123 (26.825)

## ТИНЧЛИК — БОҚИЙЛИК ДАРАХТИ

УНИНГ МЕВАСИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШ ДУНЁ АҲЛИГА НАСИБ ЭТСИН

## ЁВУЗЛИКНИНГ МИЛЛАТИ БЎЛМАС

Америка Қўшма Штатларида амалга оширилган кўп-оқувчилик харақати барча тараққийпарвар инсониятни, шу жумладан, тинчликсевар юртимиз аҳолисини ҳам ларзага солди. Кимларнингдир гаразли мақсади учун тинч аҳоли қурбон бўлди. Бу жиноятни қайси ақл-мантик билан оқлаб бўлади?! Агар бу жиноят ислом ниқоби остида қилинган бўлса, исломда ноҳақ бир чумолига ҳам озор бериб бўлмайди-ку! Биз бунинг учун ҳушёр бўлмоғимиз, ҳақиқий ислом билан уни сотиб жиноят қилганларни ажратишимиз, масаланинг туб моҳиятини англаб етмоғимиз шарт.

нодонлик ва жоҳилликда айб-лаймиз. Чунки улар ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзлари даъво қилаётган дин илмларини яхши билмасликлари, Имом Аъзам, Имом Термизий, Имом Бухорий, Имом Мотурудий каби болларимиз

мақсад-гояларини билиш, уларнинг ёмонликларидан сақланиш ва уларга қарши курашиш учун эса асл ислом ҳақиқатларидан воқиф бўлишимиз, мутафаккир аждодларимиз қолдирган меросдан баҳраманд бўлиб, уларни

Ўтган йили Термизга бордим. Ҳақим Термизий ҳазратларининг муборак турбатини зиёрат этган, дарё бўйига бориб нариги соҳилга термулиб қолдим. Ҳаёлимда Хиротда абадий уйкуда қолган Навоий бобом, Кобулда сокин бўлган Бобур жонланди. Бу зоти шарифларнинг жон ўртаси ўтли сатрларини эсладим. Беихтиёр бу ҳазратларнинг муборак дурдоналарини афгон халқи, афгон

## ДАРЁ АЖРАТГАН ИККИ ҚИРҒОҚМИЗ

боласи ҳам ўқиятимикин, деган савол ҳаёлимдан ўтди. Бу ҳаёл аро юртимиздаги осудаликка минг бор шукрона келтирдим-да, ён кўшни, жон кўшимиз Афғонистонда ҳам тезроқ биродарқушлик уруши тугаб, афгон халқи тинчгина мулола лаззатидан баҳраманд бўлишганини эгамдан сўрадим.

Биз қадим Жайхун аталмиш дарёдан сув ичиб, тиркичилик қилиб келаётган дили пайванд халқаримиз. Афғон заминидан турли гуруҳ, турли оқимлар тугатилиб, омонлик кунлар тезроқ юз кўрсатса, дарёнинг у бетидаги жондошларимиз учун хурсанд бўлардик.

■ Саъдулла СИЁЕВ, ёзувчи



■ Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар

Аслида биз қабиҳ террорчилик харақатига икки ярим йил бурун — 1999 йил 16 февралда дуч келган эдик. Ёвуз кучлар фақат портлатиш билан чекланмасдан, юртимизга қуролли ҳужум уюштириб таҳдид солдилар. Одамлар ҳалок бўлди. Лекин улар ўзларига яраша жазоларини олдилар.

қолдирган бой илмий-маънавий меросдан беҳабар эканликларини аён қилиб қўйдилар. Зеро, мазкур алломаларнинг, шунингдек, Аҳмад Яссавий, Бахавуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингарини улғурларимизнинг асарларини ўқиб-ўрганган ва уларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишган кишиларнинг инсониятга асло зарари тегмаслиги бугун барчага маълум. Жаҳон тинчлик ҳамжамияти қақриғига, она-Ватанимиз тараққиётига фов бўлаётган хар қандай кучларнинг туб

хаётга татбиқ этишимиз лозим. Ана шунда хар бир шахс тинчлик тарафдори ўлароқ мамлакатимиз истиқболи учун ўзининг моддий ва маънавий жиҳосини қўшган бўлади.

■ Сайфиддин РАФИЙИДДИН, Нодирхон ҲАСАН, ЎЗРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходимлари, филология фанлари номзодлари

## ВАТАН САРҲАДЛАРИ

### МУСТАҲҚАМ ВА ТИНЧ

#### ТЕРМИЗ 2500 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙНИ НИШОНЛАШ ТАРАДУДИДА

Гарчи ўртада биргина Амударё оқиб ўтса-да, гарчи шундоқ Афғонистон ҳудуди кўзга кўринадиган жанубий Сурхондарёда яшасак-да, ҳудудга минглар шукри, юртимиз тинч, осуда.

Бези бир хорижий матбуот нашрлари тарқатаётган миш-мишлар уйдирмалар мутлақо асоссиз. Улар ҳамиша ҳам осуда ва тинч Ўзбекистон ҳаётини тўғри баҳолайвермайдилар.

Ҳақиқий аҳвол қандай? Бу хусусда шу юртда, яъни Афғонистон билан ёнма-ён чегара ҳудудларида яшаётган одамлардан эшитинг.

Бахтиёр ҚУРБОНОВ, Термиз туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалиги раҳбари:

— Биз яшаб, меҳнат қиладиган хўжалик ҳудуди шундоқ Аму соҳилида, Афғонистонга яқин жойдадир. Ҳаммамиз тинч, хотиржам яшаб, ўз ишимиз билан бандимиз. Бирор кишининг

ваҳимага тушгани ёки ҳовлиқиб бирор сўз айтганини эшитганимиз ҳам, кўрганимиз ҳам йўқ.

Айни пайтда эса гарчи пахта тайёрлаш режасини аллақачон удалаган бўлсак-да, жамоамиз аҳли пахта терими ва келгуси йил ҳосили учун галла экиш ишлари билан машғул.

Юсуф ВАЛИҚУЛОВ, Термиз давлат университети доценти:

— Афғонистон тарафидан қочоқлар Термизга ўтишяпти, чегараларда нотинчлик юзага келди, деган бўхтон гапларга қарата шунини айтаман: аввал қандай тинч, хотиржамлик билан яшаган бўлсак, ҳозир ҳам шундай. Бозорларимиз обод, йўлларимиз раvon. Термиз шаҳрида эса қурилиш, бунёдкорлик ишлари авжида.

Ҳудди шундай. Ватанимизнинг жанубий сарҳадлари доимғидай тинч, осойишта. Сурхон юртининг маркази Термиз шаҳрида эса эртаиндин Урта Осиёда ўзининг архитектура қурилиши салоҳати билан ягона бўладиган ҳашаматли ўлкашунослик музейи, шундоқ шаҳарга киришда ўзига хос уч қаватли кўркам иншоот — Тадбиркорлар маркази ва бир қанча бошқа иншоотлар, майдонлар, дам олиш ва истироҳат боғлари фойдаланишга топширилади.

Ҳа, Термиз ўзининг қутлуғ тўйи — 2500 йиллик тантаналарига қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

■ Абдураҳул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

## ГАЗ РАВОН ОҚАДИ

Мамлакат ёнилғи-энергетика мажмуи қуввати йил сайин ошиб бормоқда. Бу энг замонавий технологияларни дадиллик билан қўллаш тўғрисида Республика Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 20 ноябрдаги 439-қарори билан хорижий инвестицияни жалб этган ҳолда яна бир қурилиш бунёд этила бошланди. «Шўртаннефтгаз» шўмба-унитар корхонасида қурилиши бошланган компрессор станциясининг лойиҳасини Исроилнинг «Бейтман» фирмаси ҳамда ўзимиздаги лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқот институти тайёрлаган.

Мазкур компрессор станцияси юқори босимли қудуқлардан йилига 13,5 миллиард кубометр газни тўплаб, 5 та қувур орқали қайта ишлаш корхонасига узатади. Натижанда қудуқлардан газ қазиб чиқариш самарадорлиги ошади. Лойиҳа баҳоси 200 миллион АҚШ долларига тенг. Станцияда Американинг «Дрессор Ренд» компаниясида тайёрланган энг замонавий агрегатлар ўрнатилади.

■ Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

## ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Цемент саноати ва бозор» мавзусидаги халқаро анжуман давом этмоқда. «BusinessCem Tashkent» деб ном олган мазкур форумга Марказий Осиё минтақасида илк бор Ўзбекистон меҳмонлиқ қилляпти. У мамлакатимизда цемент ва қурилиш саноатидаги ихтисослашган мутахассислар, ишбилармонлар учун малака ошириш ва бизнесни ривожлантиришда катта имкониятлар очиб беради. Хусусан, ушбу соҳада хорижий ҳамкорлар сафини кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш, мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш йўлида янгидан-янги шартнома ва келишувларга эришиш мумкин.

Анжуманда «Аксиом Полибег» ва «Оренбургасбест» (Россия), «Фронтшах Пакейжинг» (Австрия), «Метсо Менерал» (Финляндия) ва «Корнас-Украин» (Украина) каби бир қанча хорижий фирма ва компанияларнинг махсуслотлари кўргазмаси ҳам ўтказилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш саноатининг бугунги аҳволи ва истиқболу, уни раванк топтиришнинг асосий йўналишлари, Австрия, Германия, Франция, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари ҳамда эришган ютуқлари хусусида маърузалар тингланмоқда.

■ Клара АБДУНАЗАРОВА

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

## СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Жиззах вилояти, Фориш тумани, Ухум қишлоғида яшовчи фуқаро Алиев Азиздан тахририятга тушган ичимлик суви таъминотидаги қийинчиликлар тўғрисидаги шикоят хати туман ҳокимлигида атрофлича ўранилиб чиқилди ва унга жавобан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ҳақиқатан ҳам кейинги икки йилнинг қурғоқчил келиши оқибатида ичимлик суви таъминотининг асосий манбаи бўлиб келган булоқ ва қудуқлардаги сув сатҳининг кескин камайгани кишилоқларимиз аҳолисига қийинчилик келтириб чиқарди.

Айни пайтда Ухум қишлоғи жойлашган тоғ ёнбағирларидаги булоқларда аҳоли эҳтиёжини таъминлайдиган сув мавжуд. Бу булоқлар муаллиф истиқомат қилаётган Мула қишлоғидан 3,5-4 км. узоқликда жойлашган ва уни таъмин келтиришда аҳоли учун қийинчилик туғалмоқда.

Ушбу қишлоқ аҳолиси учун ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида туман ҳокимлиги «Мирзақўлидрогология» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидан ер ости суви захираси тўғрисида хулоса сўраган. Хулоса олинган, бу ҳудудда ер ости суви захираси мавжуд бўлса, Фориш ширкат хўжалиги маблағи ҳисобидан қишлоқ аҳолиси учун артезиан қудуқ қавлаб, ишга тушириб берилади.

■ Фориш тумани ҳокими С. ЭШБОЕВ

«ЎЗБЕКISTON OVOZI»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

## «ИЖРАЧИ ИМКОНСИЗ, РАҲБАР ЭСА БЕФАРҚ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йил 28 июль сонидан чоп этилган «Ижрачи имконсиз, раҳбар эса бефарқ» номли мақола жойида малакали мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди.

«Самарқанд» ширкат хўжалигида 2001 йилда пахта ва галла етиштириш учун 210 та оилавий пудратчилар билан ички шартномалар тузилган бўлиб, лекин оилавий пудратчиларнинг ички шартномаларга юрист хулосалари берилмаганили, айримларида тупроқ унумдорлигининг сифат кўрсаткичлари қўйилмаганили, томонларнинг манзиллари ва бошқа рекевизитлар тўлиқ ёзилмаганили;

бундан ташқари галлачиликдаги оилавий пудратчиларга ширкат хўжаликлари томонидан шартномада кўрсатилган моддий ресурслар билан тўлиқ таъминланишига қарамайдан улар шартнома режасини бажармаганили маълум бўлди.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни жорий қилишда бу ширкат хўжалигида йўл қўйилган камчиликлар вилоят ва туман мутахассислари томонидан чуқур таҳлил қилинди ҳамда тўлиқ бартараф этилди. Бундай камчиликларни қайта такрорланмаслиги учун аниқ тадбирлар белгиланди.

Усмон Юсупов номли ширкат хўжалигида 2001 йил ҳосили учун пахта ва галла етиштирувчи оилавий пудратчилар билан тузилган ички шартномаларда ҳақиқатдан ҳам юрист хулосаси йўқлиги ва томонларнинг манзиллари тўлиқ кўрсатилмаганили, хўжалик бош мутахассислари ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари иштирокида доимий равишда иқтисодий ўқув-семинарлар ўтказиб борилмаганили аниқланди.

Хўжаликда 2001 йил ҳосили учун галла, пахта ва бошқа экинлар етиштириш бўйича тузилган ички шартномаларда йўл қўйилган барча камчиликлар тўлиқ тугатилиб, 2002 йил ҳосили учун барча қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш учун оилавий пудратчилар билан тузилдиган ички шартномаларда бундай камчиликларга йўл қўйилмаслиқ мақсадида хўжаликда доимий равишда иқтисодий ўқув машғулотларини ўтказиб бориш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ишларни доимий назорат қилиш иқтисодий ислохотларни ўтказувчи туман комиссиясига, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига юклатилди.

■ Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. САТТОРОВ

## ТЕРРОРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Дунёни ларзага келтирган террорчи гуруҳларнинг қилмиши мамлакатимиз аҳолисини ҳам ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан Тошкент педиадрия тиббиёт институтида «Терроризм тараққиётининг душмани» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Юнусов туман кенашининг биринчи котиби Учқун Шойимқулов, Узтеледиорадиокомпанияси «Сидеат» бош муҳарририятини сиёсий шарҳловчиси Улғубек Долбоев, Юнусов туман бош имом-хатиби Абдуқодир Ҳайдаров ва ўқув даргоҳининг «Маънавият ва маъ-

рифат» ишлари бўйича проректори Суннат Асомовлар «Терроризм: унинг манбалари ва мақсадлари», «Терроризм ва диний экстремизмнинг инсоният тараққиётига таъдири» каби мавзуларда сўз юритиб, терроризм инсоният тараққиётига фов эканлигини ўқитдилар.

Мулоқотда сўзга чиққан талабалар ҳам бундай ёвуз кучларга Ватанимизда ўрин йўқлиги, она-Ватанини асраш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчи эканлигини эътироф этдилар.

■ Сулаймон ҲАЙДАР

## ТИББИЁТЧИЛАР КЕНГАШИ

Фаргона шаҳрида «Шошилич тиббий ёрдамни ташкил этишнинг долзарб муаммолари» мавзусида биринчи республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги вакиллари ҳам иштирок этдилар. Дарҳақиқат, Фаргона вилоятида тиббиёт тизими, хусусан, шошилич тиббий ёрдамни ташкил этиш борасида бир қатор тажрибалар тўпланган.

Шуниси диққатга сазоворки, худди шу мавзудаги конференциялар ҳозиргача фақат Россия ва Қирғизистон давлатларида ўтказилган эди. Конференция ишда туркичалари шошилич тиббий ёрдам фаолиятини янада такомиллаштириш, бу тизимни замонавий тиббиёт асоси-усуулари билан таъминлаш ҳақида кенгашиб олдилар.

■ Алишер ИБОДИНОВ



«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКISTON OVOZI»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

### НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози» — 220  
«Голос Узбекистана» — 121





«Сурхонозиқовқатсаноат» акциядорлик жамияти Сурхондарё вилоятида салмоқли ўринга эга. Зеро, кўп йиллардан буён бутун воҳода етиштирилган пахта чигити шу ерда қайта ишланади, яъни ўсимлик ёғи, кунжара, шелуха ва ҳўжалик совуни тайёрланади.

Маълумки, ушбу корхонанинг асосий хомашёси пахта чигитидир. Шу боис ҳам дастлаб акциядорлик жамиятининг чигит цехида бўлди.

Цехда айна иш қизиган пайт экан. Дарвозадан чигит ортилган юк автомобиллари, трактор тиркамалари кетма-кет келиб турибди. Тарозибоннинг қўли қўлига тегмайди. Лаборатория ходимлари эса чигит сифатини тезда аниқламоқдалар. Умуман олганда бу ерда ҳар кун 900-1000 тоннадан чигит қабул қилиниб олинади. Ҳозиргача уюлган чигит хирмони 40 минг тоннадан ортиб кетди. Агар ўтган йили ҳаммаси бўлиб 106 минг тонна чигит қабул қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 115-120 минг тоннадан ошади, деб тахмин қилинмоқда. Чунки бу йилги ҳосил чакимас.

Дарвоқе, келаётган чигитнинг сифати ҳам юқори. Мағзи тўқ, ёғлилик даражаси юқори. Вилоятда «Наманган — 77», «Оққўрғон — 2», «Бўхоро — 6» пахта навлари яхши ҳосил берганлигини мутахассислар таъкидлашмоқда.

Чигитни преслаш цехи самарали ишламоқда. Кунига 400 тонна чигит қайта ишланиб, ёр олинмоқда. Қўллаб

кунжара, шелуха ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Ҳосил бўлган қора ёғ эса Холмўмин Ҳошимов раҳбарлик қилаётган экстракция цехига узатилади.

— Цехимизда ҳар кун кўплаб миқдорда қора ёғ тозаланади, — дейди у. — Қора ёғни тозалаш жараёнида шу нарсага амин бўлдики, чигитнинг таркибида, яъни кунжара таркибида анчагина ёғ қолиб кетаётган экан. Шу боис ишлаб чиқарилаётган ёғ миқдорини янада кўпайтириш мақсадида экстра бензин ёрдамида кунжарадан ёғ ажратиш олиш усули кенг қўлланилмоқда. Соҳамиз мутахассислари хабардорки, бу



усулда одатда 1 тонна кунжарага ишлов бериш учун камида 7,5 литр экстра бензин ишлатилади. Биз эса сарф-харажатларни камайтириш мақсадида бу миқдор-

ни бироз камайтирдик. Акциядорлик жамиятининг рафинация-оқлаш цехида эса асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам бу цех ҳаммаша тоза, озода. Экстракция цехидан узатилган ёғ янада тозаланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётир. Цех бошлиғи Қувватбек Мамада-

ёғни оқлаш имкониятига эга бўламиз. Кейинги йилларда ушбу корхонада кўпгина эзгу ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда ишчиларга ҳамхўрлик кучайтирилди. Қулай иш шароитлари яратиб берилди. Эскириб қолган дастгоҳлари асбоб-ускуналар таъмирланиб, баъзи-

нобарин, кейинги 3 йил ичида урта раҳбар янгилангани ҳақида нима дейиш мумкин?!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида илгари шу корхонанинг қандолат цехи бошлиғи бўлиб ишлаган Тоҳир Ҳамроев акциядорлик жамияти раиси этиб сайланди. Ишчи-

бор. Озуқа маҳсулотлари шу база орқали ҳўжаликларга ҳам, фермерларга ҳам сотилаётир.

— Асосий мақсадимиз мавжуд хомашёдан унумли фойдаланишдир, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Тоҳир Ҳамроев. — Агар ишлаб чиқарилаётган ёғ миқдорини атиги 1 фоизга оширсак ҳам пировард натижа юқори бўлади. Бунинг учун илоҳи борича кунжара ва шелухани кўпроқ тозалашимиз зарур.

Ҳосил эрта етилганлиги сабабли бизга чигит ҳам сентябрь ойида кела бошлади. Сентябрьнинг ўзида режаларга 1700 тонна ўрнига 2074 тонна қора ёғ ишлаб чиқардик. 1444 тонна ўрнига 1826 тонна тозаланган ёғ, 3743 тонна ўрнига 4365 тонна шелуха, 4223 тонна ўрнига 5000 тоннадан зиёд кунжара тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Корхонамизда хомашё турларини кўпайтириш бўйича бирмунча ҳаракатлар қилинмоқда. Айтилик, бу йил галладан бўшаган анчагина майдонларга соя уруғи экиш режалаштирилган эди. Бироқ сув танқислиги туфайли катта майдонларга соя уруғи қалашни тўхтатдик. Бор-йўғи 57,5 гектар суғориладиган ерда соя уруғи экилди. Ҳозир экиннинг ривож яхши. Ўйлаймизки, ноябрь ойида соя донидан катта хирмон уюлади. Агар келгуси йилда сув етарли бўлса, яна соя экамиз.

Авваллари корхонамизда фақат пахта ёғи тайёрлаш билан kifойланганларди. Охириги йилларда бизда

**ИСЛОХОТ ВА МАСЪУЛИЯТ**



ҳўжалик совуни тайёрлаш ҳам тобора меъёрига етказилмоқда. Йилига 3 минг тоннадан зиёд ҳўжалик совуни ишлаб чиқарилаётгани фикримиз дағилдир.

Келгуси режаларимизга келсак, мақсадимиз олеин кислотаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. Кейинги йилларда қандолат фабрикаси фаолиятини кучайтиришга эътиборни қаратяптимиз. Бозор талабларидан келиб чиқиб маҳсулот турларини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш кўзда тутилган.

Ҳозирги даврда тайёрланаётган ҳар бир маҳсулотни замон талабига мос равишда экологик жиҳатдан тоза қилиб истеъмолчиларга етказиб бериш муҳимдир. Шу боис жорий йилнинг эрта кўкламида «Ўзёғмойтамаксаноат» уюшмаси раҳбарларининг ёрдами ва кўмаги билан қисқа муддатда ёғ қалқолаш цехини ишга туширдик. Бу ерда ўсимлик ёғини 1 литрли полиэтилен идиш-

ларга қуйадиган махсус линия фойдаланишга топширилди.

Дарвоқе, қандолат фабрикаси қошида кичик жуво цехи ҳам фаолият юритмоқда. Бу ерда ерёнғоқ, маҳсар, кунжут каби ўсимликлардан шифобахш ёғ олиниб, тиббиёт муассасаларига ҳамда кенг истеъмолчиларга етказиб берилаётган. Урик, шафтоли, узум данакларидан ҳам шифобахш ёғ олиш кўзда тутилган.

Хуллас, «Сурхонозиқовқатсаноат» акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг иқтисодий ислохотларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверадилар.

**Шоҳайдар МИРҲАБИВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

**Суратларда:** акциядорлик жамиятидаги бунёдкорлик меҳнатидан айрим лавҳалар.




лиев бундай деди: — Ҳозирча корхонамиздаги иккита преслаш цехининг биттаси ишлаб турибди. Шу боис бизга ҳар кеча-кундузда 50-60 тоннадан қора ёғ узатиляпти. Цехимиз шунча маҳсулотни тозалаб, савдо шаҳобчаларига етказиб бермоқда. Иккинчи преслаш цехи ишга туширилгач, биз ҳар кун 120 тонна қора

лари янгиланди. Акциядорлик жамиятида ўтган йилги ҳосил чигити қўкламадەк қайта ишлаб бўлинган эди. Ёз мавсумида эса цехларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланиб, мўмаиғина дивиденд ҳам олиб туришибди. Шу боис жамиятда калдрлар кўнимсизлигига барҳам берилган. Лекин бу ерда раҳбарлар кўнимсизлиги ҳамон давом этмоқда. Би-

хизматчиларнинг умиди ана шу ёш, сергайрат, тиришқоқ йилгидан.

Янги раҳбар ишни авваллари ҳаммаша кўп жанжалларга сабаб бўладиган кунжара ва шелухани тақсимлашни тартибга келтиришдан бошлади. Эндиликда завод дарвозаси ёнида юзлаб машина ҳамда трактор тиркамалари турнақатор бўлиб туришига барҳам берилди. Чунки корхонанинг ҳар бир туманда ўз базаси



**ВАЗИРГА СУЙҚАСД УЮШТИРИЛДИ**

Исроилнинг туризм ишлари бўйича вазири Рехавам ЗесвиҒа уюштирилган суйқасд оқибати фожиа яқун топиши мумкин. Вазири «Хайаат» меҳмонхонаси олдида номаълум кишилар томонидан ўққа тутилган. Айниқса, Рехаванининг бошидан жараҳатланиши унинг саломатлигига жиддий хавф солмоқда. Исроил радиосининг хабарига кўра, воқеа жойига «тез ёрдам» этиб келганда вазири клиник ўлим ҳолатида бўлган.

Суйқасд сиёсий сабаблар билан боғлиқлиги шакл шубҳасиз, дейишмоқда мутахассислар. Гап шундаки, Рехаван Ариел Шароннинг Фаластин билан янги тинчлик лойиҳасига қарши чиққан ва бу қарорини истеъфога чиқиш амалиёти билан исботламоқчи эди. Худди шундай позицияда яна бир нечта вазирлар туришибди.

**ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ЁПИЛДИ**

Яман ҳукумати «Ал-Қоида» ташкилоти билан алоқадорликда гумон қилнаётган маҳаллий «Ан-Нур» ҳамда «Аш-Шифо» компанияларининг банкдаги ҳисоб рақамларини ҳаракатдан тўхтатди. Ушбу компаниялар асал савдоси билан шугулланар эди.

**ИККИ КҮНЛИК АНЖУМАН**

Шанхайда Осиё-Тинч океани ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг анжумани бошланди. Икки кун давом этадиган бу тадбирда иштирокчилар халқаро террорчиликка қарши кураш ва кўпроқлик ҳаракатларининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда минтақавий интеграция жараёнларини жадаллаштириш масалаларини муҳокама этади.

**ТЕМИРЎЛДА ТАРТИБСИЗЛИК**

Франция ва Бельгияни боғлаб турган темирўлда тартибсизликлар давом этмоқда. Бельгиялик темирўлчилар давлатдан ушбу соҳага ажратилаётган инвестиция миқдорини кўпайтиришни талаб қилишмоқда.



**ТЕЗЛАШТИРИШ ЛОЗИМ**

Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат мустақил Фаластин давлати ташкил топишини тезлаштириш лозимлигини таъкидлади. Бу гоёни АҚШ ва Буюк Британия ҳам қўллаб-қувватламоқда, деди Арофат. Шунингдек, ушбу баёноти Прагада хизмат сафари билан бўлиб турган Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес ҳам таъкидлади.

**БИТИМГА КЕЛИШИШДИ**

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар молия вазирлари халқаро терроризмга қарши курашиш лойиҳаси асосида ушбу гуруҳларнинг молиявий таъминотларига чек қўйишга оид битимга келишди. Унга кўра, молиявий операцияларда қатнашаётган адвокатлар, солиқ маслаҳатчилари ва кўчмас мулк савдоси билан шугулланаётган маклерлар бундан буён кўпроқ ҳужуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ишлашлари лозим. Шунингдек, Брюсселда бўлиб ўтган бу учрашувда вазирлар АҚШдаги терактлар оқибатида оғир аҳволда қолган авиакомпанияларга молиявий ёрдам уюштиришга келишди.

**БЕВОСИТА ИШТИРОК ЭТАДИ**

Германия канцлери Герхард Шрёдер мамлакат ҳарбийлари АҚШнинг аксилтеррор ҳарбий операциясида бевосита ҳарбий техника орқали қатнашиши мумкинлигини айтиб ўтди. Канцлер яқин кунларда Германия ушбу аксилтеррористик курашга ўзининг амалий ҳиссасини қўйишни ва ҳозирда бу хусусда дунёнинг етакчи раҳбарлари билан музокаралар олиб борилаётганлигини таъкидлади.

**ҲАЛОҚ БЎЛДИ**


Сешанба кунги Ғазо секториде бўлиб ўтган портлаш оқибатида «Ҳамас» гуруҳининг аъзоси ҳалок бўлди. «Ҳамас» гуруҳи раҳбарияти ушбу воқеада Исроил махсус хизматининг қўли борлигини таъкидлади. Баъзи бир маълумотларга кўра, гуруҳ аъзоси ўз уйда қўллаб бомбани текшираётган, ҳалок бўлган.

**ХРОНИКА**  
**ҲАРБИЙ ҲАРАКАТДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

АҚШнинг аксилтерроризм ҳарбий ҳаракатидаги ҳаво зарбалари давом этмоқда. Ушбу зарбалардаги асосий ўзгаришлардан бири Пентагон ҳаво зарбаларини кучайтириш мақсадида янги АС-130 самолётини қўллаганидир. Нисбатан секинроқ тезликда учадиган бу самолётларнинг афзаллиги 106 миллиметрлик автоматик пушка ва пулемёт ёрдамида мўлжални аниқ нишонга олишидир.



Уруш қурбонсиз бўлмади. Лекин қурбонларнинг сонини аниқлаш мураккаб бўлмоқда. Ҳозиргача аёнлашган маълумотларга кўра, «Кизил хоч» халқаро ташкилотининг Кобул атрофида жойлашган омборхонасига бомба тушган. Омборхонадаги доридармон ва бошқа маҳсулотларни сақлаб қолишнинг даярли имкони бўлмаган. Бундан сал олдин эса Нанганхар вилоятида бир кишлоқ шундай ҳаво зарбаларига учраган ва тинч аҳолидан қурбонлар бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар бор эди. Пентагон буни учувчининг хатоси билан изоҳлаганди. Шу ерда таъкидлаб ўтиш керакки, шу пайтгача умуман оммавий ахборот воситаларини ўз ҳудудига киритмаган толиблар, айнан ушбу қурбонликни кўрсатиш учун оммавий ахборот воситаларининг мамлакат ҳудудига киришишга рухсат беришди.



«Кизил хоч» ташкилотининг талафоти борасида АҚШ мудоафа вазирлиги баёноти беришича, ҳарбийлар ушбу иморатдан «Кизил хоч» фойдаланаётганини билишмаган. Шунингдек, омборхона Кобулдаги аэродромдан бир километр узоқликда жойлашганини ҳам инобатга олиш керак.



Толибларнинг яна бир асосий рақиблири бўлмиш шимолий қўшинлар ҳам тобора ўз ҳужумларини кескинлаштирмоқда. Маълумотларга кўра, толиблар тасарруфидеги тўрт мингдан ошмироқ жангилар ўз командирлари билан шимолий қўшинлар иштироғида ўтишган. Муҳолифатчилар асосан икки нуктада Қандаҳор яқинида ва Мозори Шариф учун кескин жанглар олиб боришмоқда. Айниқса, Мозори Шариф яқинида ҳаракатланаётган шимолий қўшин бу борада муваффақиятга эришяпти.



**Internet хабарлари асосида тайёрланди**

**АО «УЗРТСБ»**

Извештаёт о проведени внеочередного общего собрания акционеров, которое состоится 1 ноября 2001 года в 15-00 часов по адресу: г. Ташкент, ул. Узбекстанская, 53 а, в здании АО «УЗРТСБ»

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

1. Внесение изменений в состав Наблюдательного совета АО «УЗРТСБ».
2. Утверждение изменений и дополнений в учредительные документы и правила биржевой торговли, в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О бирже и биржевой деятельности» в новой редакции.
3. Утверждение протоколов Наблюдательного совета и Правления АО «УЗРТСБ» за 2001 год.
4. Утверждение изменений и дополнений в Положении «О наблюдательном совете АО «УЗРТСБ»

**Наблюдательный совет АО «УЗРТСБ»**

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ГАЗЕТАСИ - 10 ЁШДА

**Б**из озодликка эришган соатларимиздан бошлаб шунчалик шиддат билан илгариласямизки, сўз билан изоҳлаш қийин. Ҳар кун, ҳар лаҳзада юз бераётган мўъжизалар, дунё эшикларининг бизга кенг очилгани, «ўзимизники» деган сўз кундалик лугатимизда тобора кўп қўлланилаётгани, маънавийтимизда янгилашилган, хуллас, буларнинг ҳаммаси истиқлол ижодкорининг юрак чиқиқларидан бирма-бир ўтади. Даврининг ижод аҳлига ўз талаблари бор. Шундай экан, бугунги журналист қандай бўлмоғи керак? «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири Дилбар Саидова билан суҳбатлашди, ушбу саволни ўртага ташлади.

— Журналист бугун ўз устида янада кўпроқ ишлаши, жамият олдидаги бурчларини чуқур англамоғи лозим. Мақсаднинг аниқлиги, фикрнинг тереңлиги ва мавзудаги ранг-баранглик аслида ижодкор иқтидорини белгилайди. Агар журналистнинг нигоҳи тийрак, фикри уйғоқ бўлса, қалами ҳам ўз-ўзидан чархлана боради. Сиз етакчилик қилаётган «Оила ва жамият» мустақиллик билан тенгдош. Ўн йил аслида унчалик узок муддат эмас. Лекин шу қисқа вақт жараёнида тахририят ижодий жамоасининг заҳматли меҳнати, катта изланишлари ётади. Айни пайтда газета кўп сонли ўқувчиларнинг меҳрини қозонаётгани ана шу изланишларнинг самараси бўлса ажаб эмас. Бу ҳақда ўзингиз нима дейсиз?

«УЙҒОҚ СЎЗНИ БУГУН АЙТ...»



Суҳбатда: «Оила ва жамият» газетаси жамоаси. (Пастдаги қатордан чапдан иккинчи бош муҳаррир Дилбар Саидова)

— Хозир республикамизда ярим мингдан зиёд номдаги газета-журналлар чоп этилган. Ҳар бир нашрнинг ўз йўналиши, ўз ўқувчилари бор. Шу ўринда газетани халққа янада маъқул ва манзур қилиш мумкинми ҳам туради. Негаки, халқ ўзи ёқтирган наشري излаб, топиб ўқиши, агар ундан қониқмаса керакмас буюмдек четга иргатиши ҳам мумкин. Демак, ўз ўқувчисини кўпайтиришни режаллаган тахририят аввало халқни ўрганиши, унинг қўнғлига кириб бориши керак. Ана шу мақсад ишимизнинг фаолият мазмунини белгилайди. Мен хизмат сафари билан турли вилоятларда бўлганимда бир нарсани фаҳмлаганман. Аксарият

кишилар содда тилда ёзилган, шов-шувли ва қизиқ воқеалар баёнига кўпроқ ўрин берган газеталарни топиб ўқишди. Бу билан уларнинг маънавийтини камситиш фикридан йироқман. Демокчи бўлганим, бундай мутолаадан улар руҳан завқланишди, кундалик ташвишларидан чалғиб, дам олишди. Демак, қай мавзуда бўлмасин, ёзганларимиз газетонга руҳий завқ-шавқ ва хордик бахш эта олишини ҳисобга олишимиз фойдалидир. Баян айрим давраларда: «Бу газета оила ташвишларидан четга чиқолмапти» деган эътирозларни эшитиб қоламиз.

зеталар олдиға қўйилган талаб ҳам шу: изланиш, имкон қидириш, ижод қилиш! — Газета турли ва ранг-баранг мавзуларни қамраб олаётгани ўқувчига аён. «Яхшилардан сўз очдик», «Хотира — муқаддас», «Дил изхори», «Сўраган эдингиз», «Хуқуқий дарсхона», «Қизим сенга айтаман», «Ўғлим сенга айтаман» сингари кўпбал рақиблар остида ҳар бир оила давраси учун қизиқарли, ҳатто баъзиларига сабоқ бўларли даражадаги мақолалар берилган. Ҳар гал тахририятга борганимизда иш столигимизда газетонлар-

сий ҳаётидаги бурилишларни баён этиб, биз билан ўртоқлашгиси келади. Кўпчилик мактублар оилавий муаммолар ҳақида эканини айтиш керак. Бундай муаммоларнинг аксарияти оила эгаларининг хуқуқий билимсизлиги оқибатида келиб чиқаётгани кўзга ташланади. Шундан сўнг биз «Хуқуқий дарсхона» рункини очдик. Ахир оилавий қонулар, ҳужжатлар ва кодексларни ҳар бир киши ҳам излаб, топиб ўқийвермайди. Биз шундай қонун ва кодексларимизни турли воқеалар асосида шарҳлаб, оддий тилда, қизиқарли тарзда бериб бораемиз. «Хуқуқий дарсхона»га келаётган мактуб-

дан келган хатлар тоғдек уюлиб ётган бўлади. Бундан сезиладики, халқ «Оила ва жамият»га аллақачон меҳр қўйган, улар орасида бу газетани ўзининг қадрдон кишисидек кўрадиғанлар ҳам кўп. Айтинг-чи, ўқувчилар кўпроқ нималар ҳақида ёзишди? — Очигини айтсам, газетонларимизнинг ҳар бири жамиятдаги ўз ўрнини, оиласидаги қувончу ташвишларини, шах-

ларда айтилишича, кўпчилик ўқувчиларимиз «Оила кодекси»дан оилавий муаммоларни ҳал этишда ақин кўмақи сифатида фойдаланишаётир. «Дил изхори» рункида чоп этилаётган мактублар эгалари жамоа орасида, оиласида ёки шахсий ҳаётида юз берган ёрдам бериш керак! Баян бир оғиз маслаҳат, илиқ сўз ёки биргина йўл-йўриқ ҳам мушкул аҳволга тушиб қолган баён этиб, газетадан қўмақ сўрашди. Айтиш керакки, «Дил изхори»да берилган биргина мактубга ўқувчиларимиздан юзлаб, минглаб хатлар келади. «Акс-садо» рункини ташкил этишимизга ана шундай хатлар сабабчи бўлган. Умуман, газетамизнинг наватбдаги сонини режалаштириётганимизда биз ўқувчининг фикри, мулоҳазаси, таклифи ва қолаверса, талабларини ҳисобга олишни унутмаймиз.

— Яқинда «Дил изхори» рунки остида босилган бир мактуб эътиборини тортди. «Бир қизни икки дўст севиб қолдик, — ёзади мактуб муаллифи. — У ошқора, мен эса пинхона. Қизнинг кўнғли менда экан, ўзи келиб айтди. Дўстим бундан хабар топиб, мен билан жанжаллашди, юзқурмас бўлдик. Қизни эса мактабни тугатиши билан уйдагилар бошқа ёққа узатишди. Оқибатда дўстимдан ҳам, севилимдан ҳам айридим». Қизини шундаки, бир-икки сон ўтиб-ўтмай «Акс-садо» рункидаги мақолалар эълон қилинди. Турли ёшдаги, турли касбдагилар шу йигитга маслаҳат беришган, йўл-йўриқ кўрсатишган, очкироғи, қийин вазиятдан чиқиб кетиш учун бараварига жон қуйдиришган... Қараган, бир-биримизнинг тақдиримиз учун нақадар қуонадиган халқимиз! Ахир инсонийликнинг зарур шартларидан бири эмасми бу?! Шу жиҳатдан олганда, бундай саҳифалар айрим оилаларга ўрнак, айримларига сабоқ ҳам бўла олади. Газетанинг ютуғи шунда. Сиз нима дейсиз?

— Оила аслида жамиятнинг бир бўлаги. Жамият фақат яхши оилалар ҳисобига гуллаб-яшнади, равнақ топади. Ёш оилалардаги ажримларни қамайтириш, мустаҳкам оилалар сафини кўпайтириш учун нима қилишимиз зарур? Қай йўл билан бўлса-да уларга ёрдам бериш керак! Баян бир оғиз маслаҳат, илиқ сўз ёки биргина йўл-йўриқ ҳам мушкул аҳволга тушиб қолган оилани жар ёқасидан қайтаришга қодир. Шу ўринда газетанинг мақсиди ҳам ҳар оилани, оиладагиларни маънан уйғотиш, ҳаётга сергак қарашга ундаш, аҳил ва мустаҳкам ҳолда жамиятга қўшилишига даъват этишдан иборат. Муҳими, уйғоқ сўзни ўз вақтида айта олишимиз керак.

— Фарзанд тарбияси, оилавий бурчлар, ёшларни турмушга тайёрлашга оид мақола ва суҳбатларни ҳам газетанинг деярли ҳар сониде учратиш мумкин. Хусусан, соғлом, ёш ва баркамол авлодни дунёга келтириш, тарбиялаш билан боғлиқ вазифалар бугун давлат сийсати даражасига кўтарилган. Ўз-ўзидан маълумки, оилалар бу улугвор вазифани теран англаб, ўзларини шунга масъул деб билишлари даркор. Бу борада газета қандай ишларни амалга ошираётир?

— Биз оилашунос-психологлар, шифокорлар ва шу соҳадаги мутахассислар билан долғамий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Улар оила иқтисодини яхшилаш, бола тарбиялашда онанинг бурчи, отанинг масъулияти, ўсим йигит-қизларнинг ёши билан боғлиқ руҳий кечинмалар, муаммолари, кексаларни асраб-авайлаш, оилавий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда оилаларнинг жамиятдаги ўрнини белгилашга алоқадор суҳбатлари билан газетада мунтазам иштирок этишди. Хонадоннинг олтин қалити — оилавий бахт. Ҳар бир киши, аввало, ўз оиласида бахтли бўлсин. Кўзда тутган мақсадимиз ҳам аслида шу.

INTER-SPORT  
КУБОК УЧУН КУРАШОЛМАЙДИ




Кун кеча Англия лигаси кубоги учун наватбдаги уйинлар бўлиб ўтди. Учрашувлар жараёнида қутилмаган ҳодиса юз берди. Премьер лиганинг етакчи клубларидан бири бўлмиш «Ливерпул» ўз майдонида биринчи дивизион вакили «Гримсби»га 1:2 ҳисобида ютказиб қўйди. Бошқа учрашувларда эса премьер лиганинг барча жамоалари голиб чиқилди. Масалан, «Тоттенхем» «Транмер» жамоасини 4:0 ҳисобида, «Лидс» эса «Лестер»ни 6:0 ҳисобида енгиб, наватбдаги даврага йўл олди.

ЖАНГ ҚИЛИШГА МАЖБУР



Ха, суд шундай қарорга келди. Бокс бўйича оғир вазнда жаҳон чемпиони Хасим Раҳмон агар Леннокс Льюис билан жанг қилишга рози бўлмаса, кейинги 18 ой ичида бирон бир боксчи билан жанг қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Американинг округ суди ўтган пайшанба кунга ана шундай қарор чиқарди. Судья Мириам Седарбаумнинг таъкидлашича, 2001 йилнинг 22 апрел кунини Льюисни нокаутга учратган Раҳмон шартнома шартларини бажармади. Чунки у реванш матчи ўтказишга мажбур эди. Ахир шартнома бўйича сўнги жангга ютказган боксчи 120 кун мобайнида рақибини яна жангга чақириши мумкин-да.

ФУТБОЛ




Мамлакатимиз футбол миллий терма жамоаси Япония ва Жанубий Корея яшил майдонларига бориш имкониятидан маҳрум бўлди. Терма жамоамиз гуруҳда ҳеч бўлмаганда иккинчи ўринни эгаллаши мумкин бўлгани ҳолда Уммон терма жамоасига имкониятни бой бериб, турнир жадвалининг тўртинчи поғонасига тушиб кетишида бош мураббийнинг «ҳисса»си катта эканлигини ҳеч ким инкор қилмас керак. Эҳтимол, терма жамоамизни ЖЧ — 2002 финалига олиб чиқиши мумкин бўлган муқаррар восита — миллий чемпионатимизда тўп сураётган футболчиларимизнинг имкониятлари тўғри баҳоланганида бугун афсусланиб юрмасмики?! Ха, миллий чемпионатимизга бўлган эътиборни қучайтирмас эканмиз, ҳали- бери жаҳон чемпионати финалиси бўлишдек бахтга эришолмаслигимиз аниқ. Энди бевосита мамлакат

УМИДИМИЗ ПУЧГА ЧИҚДИ

миллий чемпионатининг наватбдаги — 30-тур ўйинларига тўхталсак. Турнир жадвалларида биргина ўзгариш бўлган мазкур турда марказий учрашув сифатида «Трактор» — «Насаф» ҳамда «Зарафшон» — «Навбахор» жамоалари ўртасидаги учрашувлар қайд этилди. Қизиқарли ва муросасиз кечган курашлардан сўнг ҳар иккала жуфтлик жамоалари 2:2 ҳисобида дурангга имзо чекишди. Турнир жадвалининг энг қуйи поғонасини эгаллаб турган «Семур» жамоасига бу гал ҳам омад кулиб боқмади. — «Турон» жамоаси билан бўлган учрашувда 6:1 ҳисобида мағлуб бўлишди. Шунингдек, «Кимёгар» — «Пахтакор» учрашувида пойтахт футболчиларининг чирчиқликлардан қўли банд келди. Уйин 4:0 ҳисобида «Пахтакор» жамоаси фойдасига ҳал бўлди. «Дўстлик» жамоасининг кейинги турларда негадир омади чопмапти. Утган йил-

Ўз муҳаббати учун курашаётган аёл жасоратидан ҳам улугроқ нима бор? СЕНДАЛЬ



КУЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

Комиссар изқувардан сўради: — Жиноятчини нега қочириб юбординг? — У кинотеатрга кириб олди-да. — Хўш, сиз ҳам у ерга кирсангиз бўлмасмики? — Мен у фильмини аввал ҳам кўрган эдим-да...

Судья: — Нега сиз нуқул кундуз кунини ўғирлик содир этгансиз? Айбланувчи: — Кечаси кўп пул билан юришса кўрқаман...

— Шаҳрингиз жуда катта экан. Аҳоли сонини ҳам тез ўсаётган бўлса керак? — Унчаликмас. Битта гўдак туғилди дегунча эркаклардан бири шаҳардан жуфтлашни ростлаб қолади.



БЎЙГА БЎЙ ЧЎЗИБ...

ИККИНЧИ ДАВРАГА ЧИҚДИ

Санганда ўтказилаётган Salem Ореп эркаклар ўртасидаги теннис турнирида биринчи давра бахслари бошланди. Бу турнирнинг муқофот жағмармаси 400 миң АҚШ долларини ташкил этади. Россиялик Марат Сафин дастлаб майдон эгаси Жон Хуи билан учрашиб, 6:3, 6:2 ҳисобида ғалабага эришди ва иккинчи даврага йўл олди.

«Туркистон» газетаси жамоаси тахририятининг собиқ ходими, таълиқи адиб Наримон ОРИФЖОНОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изхор этади.

Фафур Фулом номдаги Адабийёт ва санъат наشريёти жамоаси нашриётининг бўлим бошлиғи Жонибек Субхонга уқаси УЎКТАМИНнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изхор қилди.

«Ўзбекистон почтаси» Давлат-Акционерлик компанияси

ФМТ-1

АБОНЕНТЛИК Газета 220

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Каерга (почта индекси) (манзилгоҳ)											
Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)											

Нашрга етказиш варақаси 220

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоиси	сўм	обуна сони
	Баҳоиси	сўм	

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Каерга (почта индекси) (манзилгоҳ)											
Кимга											

BOSH MUHARRIR

Azim SUYUN

TAHRIIR HAYATI

Abdulla OROPOV

Abdulhafiz JALOLOV

Azimjon AYUPOV

Aziz NOSIROV

Ashur QODIROV

Bobir ALIMOV

Norbobo SHAKAROV

Alimqul SULTONOV

Andrey ORLOV

Baxtiyor HAMIDOV

Rahima HAKIMOVA

To'lepbergenov

Farmon OMONOV

Mahkamboy OMAR o'g'li

MUASSIS:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55

Iqtisodiyot — 133-76-04

Ma'naviyat — 133-07-20

Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56

Axborot — 136-55-16

Kotibiyat — 133-72-83

Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80

Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqq boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;

Buxoroda — 222-10-92;

Gulistan — 25-03-80;

Jizzaxda — 5-49-85;

Navoiyda — 3-39-20;

Namanganda — 6-43-43;

Nukusda — 222-70-12;

Samarqandda — 35-20-54;

Toshkentda — 136-53-16;

Urganchda — 226-51-35;

Fargonada — 26-43-62;

Qarshida — 4-61-35;

Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Shara» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot O'zbekiston Respublikasi» bilan birgalikda chiqariladi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tabhriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 2902

Topshirish vaqti — 21.00

Topshirildi — 23.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA